



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 19 июль, № 147 (9042)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# МЎЎУЛИСТОНГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ДАВОМИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **жорий йил 24-25 июнь кунлари** Мўғулистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

### 1. Мақсадлар

1. Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида **2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида** амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг **асосий кўрсаткичлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

а) Мўғулистондан Ўзбекистонга **100 минг бош** майда шохли молларни **олиб келиш** ва маҳаллий шароитда **наслчилик-селекция ишлари ёрдамида кўпайтириш орқали** уларнинг сонини **2029 йил якунига қадар 1 миллион бошга етказиш;**

б) **босқичма-босқич** жун ва кашемир-ни **қайта ишлаш** ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

в) **мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларининг** Мўғулистонга экспорт ҳажмини ҳар йили ошириб бориб, **10 баробарга** кўпайтириш чораларини кўриш;

г) Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида **тажриба алмашиш ва мутахассислар малакасини ошириш**ни йўлга қўйиш.

II. Мўғулистондан майда шохли молларни импорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

2. Белгилансинки, **2025 йил 1 августдан 2027 йил 31 декабрга қадар** Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга импорт қилишда **тадбиркорлик субъектларига:**

а) **жаво транспортда** ташиш харажатларининг **50 фоизи** Давлат бюджети ҳисобидан қўллаб берилди. Бунда ушбу кичик бандда назарда тутилган харажатлар учун талаб этиладиган маблағлар Давлат бюджети параметрларида Қишлоқ хўжалиги вазирлигига чорвачилик хўжаликлари томонидан хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчки, она балик ва ҳўжаларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қўллаб бериш учун ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

б) қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини **фоизлар ҳисобланмаган** ҳолда **тўлов таъминотисиз** кечиктириб тўлаш имконияти берилди.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқа харажатларни қайта қўриб чиқиш ҳисобидан 2027 йил учун Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорнинг 2-банди “б” кичик бандида кўрсатилган тўловларни қўллаб бериш бўйича харажатларни назарда тутсин.

4. Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга импорт қилишда **қўйидаги таклифларига розилик берилсин:**

а) чорвачилик йўналишида жалб қилинган халқаро молия институтларининг кредит маблағларини тадбиркорлик субъектларига **йиллик 10 фоиз ставкада** (шундан 3 фоиз банк маржаси) **5 йил муддатга 2 йиллик** имтиёзли давр билан ажратиш. Бунда тижорат банкларининг мазкур кичик бандда назарда тутилган кредитларни имтиёзли шартларда ажратиш билан боғлиқ харажатлари **Давлат бюджетига тўланадиган дивидендларини мос равишда камайтириш** ҳисобига қўпланади;

б) тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредит маблағлари учун сурғат механизмидан фойдаланган ҳолда

**мол-мулк гаров таъминотини 50 фоизгача** этиб белгилаш.

5. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига (кейинги ўринларда — Ветеринария қўмитаси) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг **кафиллиги асосида бир ой муддатда қайтариш шарти билан** Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тадбиркорлик субъектларига** Мўғулистондан майда шохли молларни етказиб беришда **молиявий кўмак кўрсатиш ҳуқуқи берилсин.**

6. Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларнинг **худудлар кесимидаги тақсимоти 1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

7. **Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё** ва **Тошкент вилоятлари** ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** майда шохли молларни парваришлаш учун озуқа ери, чорвачилик мажмуаси ва мутахассиси (ветеринар) мавжуд бўлган тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб, Ветеринария қўмитасига тақдим этсин.

(Давоми 2-бетда.)

### Сенат қўмиталарида

## АҲОЛИНИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Қўмита аъзолари, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун билан “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Хусусий бандли агентликлари тўғрисида”ги ҳамда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қонунда аъзуқисиз тўқсон кун ва ундан ортиқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган ўн саккиздан олтинчи ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, мамлакатимиз

халқи ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонунни қабул қилиш билан инсон учун хавфли бўлган юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, меҳнат миграцияси жараёнида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмларни шакллантириш ҳамда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Мунозаралардан сўнг қонунни Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

## «УСТОЗ — ШОГИРД» АНЪАНАСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамда халқ депутатлари Кенгашлари қошидаги Ёшлар маслаҳат гуруҳларининг 2025 йилнинг иккинчи ярим ийликлка мўлжалланган иш режаларни лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ёшлар парламенти раиси

келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Сенаторлар Президентнинг ёшлар билан учрашувда илгари сурган ташаббуслари асосида иш режаларини қайта қўриб чиқиш бўйича таклифлар билдирди.



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Депутатлар, соҳа мутахассислари, Ёшлар парламенти аъзолари, масъул идора ходимлари, олимлар, журналистлар ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Соҳада қилинган ишлар натижасида маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослаштирилган хизматларни боғлайдиган комп-

лекс тизим яратилди, — деди Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Назира Мухторова. — Охириг етти йилда 20 га яқин қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари қабул қилинди. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиётлар вилоят ва туманларда ўтказилмоқда.

Давра суҳбатидида сифатли, хавфсиз ва арзон дори воситаларини ишлаб чиқариш, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида манфаат-

лар тўқнашувининг олдини олиш масаласи муҳокама марказида бўлди.

“Адолат” СДП фракцияси раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Валиев тиббиёт ходимлари ва дорихоналар, фармацевтика компаниялари ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ чегараланмагани, бу эса касбий стандартларни бузиш ва фармацевтик маҳсулотлар сифати бўйича ишончсизликка олиб келаётгани ҳақида сўз юритди.



## ЁШЛАР БАНДЛИГИ — ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Технологик тараққиёт даврида ҳар қайси давлат олдида турган энг устувор вазифалардан бири — меҳнат бозорини замонавий талаблар асосида шакллантириш, хусусан, ёш авлодни муносиб ва барқарор иш ўринлари билан таъминлашдан иборат. Айниқса, демографик жиҳатдан ёшлар улуши юқори бўлган Ўзбекистон каби мамлакатлар учун мазкур масала стратегик аҳамиятга эга.

### Мушоҳада

Жорий йил ҳолатига кўра мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган инсонлар умумий аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этмоқда. Бундай демографик манзарада ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни замон талабларига мос касбий тайёргарликдан ўтказиш, рақобатбардош ва илгор тафаккурли шахслар сифатида тарбиялаш меҳнат бозорининг мувозанатли ривожланишида ҳал қилувчи омилга айланмоқда.



### Кичик тадбиркорлик субъектлари сони 393 359 тага етди

2025 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда **393 359** тага етди.

Миллий статистика қўмитаси қиёсий таҳлилига кўра энг кўп кичик тадбиркорлик субъектлари Тошкент шаҳри улушига тўғри келаётган бўлиб, жами аҳоли сонига нисбатан 23,4 фоизни ташкил этади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари сони кўпчилиги жиҳатидан биринчи бешталикдан Тошкент шаҳри (91 916 та), Тошкент вилояти (38 140 та), Самарқанд вилояти (34 124 та), Фарғона вилояти (30 817 та), Қашқадарё вилояти (24 658 та) жой олган. Шунингдек, энг кам кичик тадбиркорлик субъектлари ҳудудлар Жиззах (15 492 та) ҳамда Сирдарё (9 896 та) вилоятлари эканлиги маълум бўлди.

### Бундай ўсиш суръатига эришилишида йил бошидан буён 35 243 та янги кичик бизнес субъектига асос солингани муҳим омил бўлди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

МЎЎУЛИСТОНГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ДАВОМИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

8. Белгилаб қўйилсинки, Яйлов ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни муҳофаза қилиш, қорақўлчилик, тери ва жун саноати соҳаларини янада ривожлантириш бўйича республика комиссияси қарори-га асосан Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё яйлов хўжаликлари балансидаги ерлар Мўғулистондан майда шохли моллар-ни Ўзбекистонга камида **1 000 бош** импорт қилган **тад-биркорлик субъектларига** қуйидаги **шартлар асосида тўғридан-тўғри** ижарага берилади:

а) наслчилик ва селекция ишларини ривожлантириш орқали импорт қилинган майда шохли молларнинг бош сонини кўпайтириб бориш;

б) яйловларда озукабоп ўсимлик турларидан бўлган изен, терескен, қуйровуқ, камфоросма, чўғон, эркак ўт, оқ (қора) таксовул экилишини ташкил қилиш.

III. Мўғулистонга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ишларини ташкил-лаштириш

9. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда **2025-2026 йилларда:**

а) Мўғулистоннинг йирик савдо марказларида **“Ўзбе-кистон маҳсулотлари”** ярмаркасини ташкил этсин ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Ўзбекистондан экспорт қилиб, келгусида бошқа давлатларга реэкспортни амал-га оширсин;

б) **Улан-Батор** шаҳридаги йирик савдо майдонларида **Ўзбекистон маҳсулотлари стендини** ташкил этиб борсин;

в) **Ўзбекистон — Мўғулистон** савдо уйини ташкил этсин;

г) Мўғулистоннинг импортчи корхоналари вакиллари-дан иборат делегациянинг Ўзбекистонга ташрифини таш-кил этган ҳолда **бизнес учрашувлар** ўтказсин.

IV. Майин жундан аралаш ип ва мато ишлаб чиқа-ришни ташкил этиш

10. Савдо-саноат палатаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қуйидаги **таклифларига розилик берилсин:**

а) **2025 йил якунига қадар** Ўзбекистон тўқимачилик фабрикаларида **дастлабки босқичда синов тариқаси-да аралаш ип ва мато** ишлаб чиқариш учун Мўғулист-тондан “Ўзсаноатэкспорт” АЖ орқали **марказлашган ҳолда** майин **жун ва кашемир** олиб келиш. Бунда “Сав-дони ривожлантириш компанияси” АЖ ушбу мақсадлар учун “Ўзсаноатэкспорт” АЖга унинг буюртманомасига асосан белгиланган тартибда маблағ ажратади;

б) **2026 йил якунига қадар** Мўғулистондан импорт қилинган майда шохли моллардан олинадиган **жунни қайта ишлаш бўйича** маҳаллий мутахассисларнинг Мўғу-листоннинг **кашемир ишлаб чиқариш** ва **тўқимачилик** корхоналарида малакасини оширган ҳолда **жунни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш**.

V. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш соҳасида **тажриба алмашиш ва мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўйиш**

11. Агросаноатни ривожлантириш агентлиги **2026 йил якунига қадар** Мўғулистонга совуққа чидамли ва серҳо-сил **10 минг** дона мева кўчатларини томчилатиб суғо-риш технологиялари билан бирга етказсин ҳамда **15 гек-тар** ер майдонида замонавий саноатлашган интенсив бог ташкил этишга кўмаклашсин. Бунда мева кўчатлари ва томчилатиб суғориш технологияларини сотиб олиб, уни Мўғулистонга етказиш харажатларини қоплаш Агросано-атни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш давлат мақ-садли жамғармаси маблағлари ҳисобидан Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги “Агросаноат инно-ваторлари” МЧЖ томонидан амалга оширилади.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **2026/2027 ўқув йи-лидан** бошлаб Тошкент давлат аграр университети ва Мўғулистон табиий фанлар университети ўртасида магистратура мутахассисликлари бўйича **қўшма таълим дастурлари жорий этилишини таъминласин**.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Бош вазир ўринбосарлари **Ж.Қўчқоров** ва **Ж.Ходжаев икки ой муддатда** Ўзбекистон ва Мўғулис-тон ўртасида эришилган келишувлар ва лойиҳаларни мо-лиялаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини айлан-ма маблағлар билан таъминлаш мақсадида Саноатни ри-вожлантириш жамғармасига **50 миллион АҚШ доллари** ҳамда Савдога кўмаклашиш жамғармасига **50 миллион АҚШ доллари** эквивалентида **2030 йил 31 декабрга қадар** қайтариш шарти билан паст фоизли маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси (Ходжаев) **икки ҳафта муд-датда** мазкур қарорнинг 2- ва 4-бандларига мувофиқ қуйидагиларни тасдиқласин:

а) **ҳаво транспортида** ташиш харажатларининг **50 фоизини** Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича вақтинчалик тартибни;

б) Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожланти-риш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тадбиркорлик субъектларига** Мўғулистондан майда шохли молларни олиб келиш учун **молиявий кўмак бериш бўйича вақ-тинчалик тартибни**.

15. Транспорт вазирлиги **ўн кун муддатда:**

а) Ветеринария кўмитаси билан биргаликда **майда шохли молларни** Мўғулистондан Ўзбекистонга **ҳаво транспорти** орқали олиб келиш;

б) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Ўзбекис-тондан Мўғулистонга **ҳаво транспорти** орқали экспорт қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

16. Ветеринария кўмитаси **бир ҳафта муддатда** Мўғулистондан импорт қилинадиган майда шохли мол-лар насли, вазни ва ёши бўйича талабларни ишлаб чиқиб, худудлар ва тадбиркорларга етказсин.

17. **2025-2026 йилларда** Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилади-ган чора-тадбирлар бўйича **“Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва **шахсий жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:**

а) **қишлоқ хўжалиги вазири И.Абдурахмонов — Мўғулистонда сабзавот ва полиз экинларини етишти-риш** ҳамда **аграр соҳада илмий ҳамкорликни** самара-ли йўлга қўйишга;

б) **қишлоқ хўжалиги вазири И.Абдурахмонов ва Ветеринария кўмитаси раиси Б.Норқобилов — Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларни ҳаво транспортида олиб келиш хара-жатларининг бир қисмини қоплаб беришга;**

в) **Ветеринария кўмитаси раиси Б.Норқобилов:**

1) Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистон-га импорт қилиш ҳамда наслчилик ва селекция ишлари-ни ривожлантириш орқали уларнинг сонини маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда **2029 йил якунига қадар 1 миллион бошга** етказиш;

2) Мўғулистондан олиб келинадиган майда шохли молларни маҳаллий шароитга мослаштириш, уларни кўпайтириш бўйича чораларнинг натижадорлиги, тақдим этилган имтиёзларнинг самарадорлиги юзасидан Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Администрациясига **ҳар ой якуни билан ҳисобот киритиб боришга;**

г) **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори И.Эргашев — Мўғулистонга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини кескин оширишга;**

д) **Савдо-саноат палатаси раиси Д.Вахобов — Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларнинг жунини қайта ишлашга.**

19. Қарор ижроси учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 17 июль



«УСТОЗ — ШОГИРД» АНЪАНАСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Хусусан, маҳаллалардаги 167 минг нафар уюшмаган йиғит-қиз ҳамда тарбияси огир ва ҳуқуқбузарлик содир қилган 17 минг ўқувчини ҳисобга ол-ган ҳолда ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек, салбий ҳолатларни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ва бартараф этишда Ёшлар парламентининг фаолиятини оши-риш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ёшлар маслаҳат гуру-ҳининг ҳар бир аъзосига маҳаллий депу-татлар “Устоз — шогирд” тизими асосида масъул қилинди.

Муҳокамада ёшларга оид қарор лойиҳа-лари бўйича фикрларни ўрганиш, депутат-лар билан учрашувлар ташкил этиш, ма-ҳаллий Кенгашлар фаолияти билан йиғит-қизларни таништириш, тегишли комиссия-лар билан ҳамкорликда ёшлар масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш ва ижобий таж-рибани оммалаштириш каби муҳим вази-фалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ВАЪДАЛАР МЎЛ, ИЖРОДАН ЭСА ДАРАК ЙЎҚ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт маса-лалари кўмитаси аъзолари пойтахтнинг айрим ҳудудларида бўлиб аҳолининг турмуш шароитлари, коммунал хизматлар кўрсатиш сифати ҳамда бошқа мавжуд муаммоларни ўрганди.

Сўров

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Чилон-зор туманидаги 18 ва 19-мавзеларда жойлашган кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатаётган "GRAND GREAT SILK ROAD SERVICE" МЧЖ бошқарув сервис ком-паниясининг фаолияти таҳлил қилинди.

Ўрганишлар кўрсатдики, компания бар-ча мулкдорлар билан ҳали ҳам бошқарув

шартномаси имзоламаган. Бу эса “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғриси-да”ги Қонуннинг 28-моддасига зиддир. Чунки бошқарувчи ташкилот билан ҳар бир уй-жой мулкдори ўртасида ёзма ра-вишда шартнома тузилиши зарур.

Бундан ташқари, компания томонидан молиявий ва хўжалик фаолияти юзаси-дан мулкдорларга ҳисобот берилмаган, тегишли йиғилишлар ўтказилмаган. Бу эса аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётир.

Сенатор ўтказган қабул давомида республиканинг турли ҳудудларидан келган фуқаролар томонидан суд-ҳуқуқ масалаларида амалий ёрдам бе-риш, банк кредитлари ажратиш, мод-дий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишга жой-лаштиш масалалари кўтарилди.

Жумладан, Андижон вилоятидан М. Сатторова, Бухоро вилоятидан А. Исмоилов, Қашқадарёдан О. Фойи-

бова ва Тошкент шаҳридан И. Ме-ренкова жиноят ишлари ҳамда фуқа-ролик ишлари бўйича суд қарорла-ридан норози бўлиб мурожаат қилди.

Хоразм вилоятидан Э. Рўзиевев нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид, Тошкент шаҳридан М. Шияпов ва П. Аҳмедов ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида “Юксалиш” ҳаракати билан биргаликда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича давлат дастурларида белгиланган вазифалар юзасидан жамоатчилик эшитиувни ўтказилди. Хусусан, аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Эшитув

Таъкидланганидек, сўнгги йил-ларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли-га тиббий хизмат кўрсатиш сифа-тини яхшилаш ва қамровини ке-нгайтиришга қаратилган кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага ажратилаётган маблағлар 6 қарра кўпайтирилган ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси янгиланмоқда. Илгари фа-қат пойтахтда бажарилган 400 дан

ортиқ юқори технологик амалиёт-лар бугун вилоят ва туманларда ҳам ўтказилмоқда.

Аҳолига давлат томонидан ка-фолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида турли дара-жадаги тиббиёт муассасаларини 79 тадан 235 тагача турдаги дори воситалари ва 35 тадан 76 тага-ча турдаги тиббиёт буюмлари би-лан таъминлаш меъёрлари бел-гиланган.

Эшитувда вазифалар ижросида ай-рим камчилик ва муаммолар борли-ги ҳам таъкидланди.

Шунингдек, Навоий шаҳридан фар-зандини даволаш бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқа-ро С. Тошеванинг масаласи сенатор К. Турсунов савъ-харакатлари билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари ва Навоий вилояти тиб-биёт бирлашмаси раҳбарлари ишти-рокида ижобий ҳал этилди.

Мурожаатлар сенатор томонидан диққат билан эшитилди ва тегишли идоралар мутахассислари билан бир-га уларни пухта ўрганиш зарур деб топилди.

«Халқ сўзи».

Жумладан, бирламчи тиббиёт му-ассасаларининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминла-ниш кўрсаткичи паст даражада сақ-ланиб қолаётгани, бу муассасаларда мавжуд тиббий жиҳозлар ва тиббий техника маъян эскиргани, давлат то-монидан кафолатланган бепул тиб-бий хизматлар пакетини амалга оши-ришда шаффофлик ва самарали на-зорат механизми жорий этилмагани каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг соҳада амалга оширилаётган ишлар тўғри-сидаги ахборотлари эшитилиб, кел-гусидаги аниқ режа ва вазифалар юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

аммолар юзасидан берилган ваъдалар-га қарамай амалий чоралар қўрилмаган.

Мазкур ҳолат бўйича Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Озригул Қоziхонова Тошкент шаҳрининг Чилон-зор тумани ҳокими Саидқаҳҳор Холхў-жаев номига сенатор сўровини юборди.

Сўровда бошқарув компанияси фао-лиятини самарали ташкил этиш бора-сида қандай чора-тадбирлар кўрилаёт-гани юзасидан асослантилрилган ту-шунтириш бериш сўралган.

«Халқ сўзи».

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ



Депутат Беҳзод Тўхтамуродов ҳам-касбининг фикрини тасдиқлаб, бу жара-ёни ҳуқуқий асосда тартибга солиш, манфаатлар тўқна-шувининг олдини олиш, фармацевтика бозорида шаффоф-ликни таъминлаш учун ваколатли давлат органларининг жавобгарли-гини ошириш зарурлигини қайд этди.

Депутат Дилмурод Исмоилов то-монидан эса “шифокор — фарма-цевтика — дорихона” ўртасидаги молиявий алоқаларни қатъий тар-тибга солиш, дори воситаларини он-лайн харид қилиш имкониятларини кенгайтириш, бу орқали нархлар



устидан жамоатчилик назоратини ку-чайтириш юзасидан ўз таклифлари-ни берди.

Тадбир якунида соҳа вакиллари, етакчи олимлар, мутахассислар ҳамда экспертларнинг чуқур таҳлил-ларга асосланган таклифлари асо-сида қонунчиликни такомиллашти-риш бўйича тавсиялар ишлаб чиқи-ладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ



Ўзбекистоннинг 25-ўрин-ни эгаллаши — бу жамоат тартиби, ҳуқуқ-тартибот идоралари-нинг самарали фаолияти, аҳоли ора-сидаги ижтимоий ишончнинг юқори даражада эканини аंगлатади. Ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Таъкидлаш керакки, Президенти-миз Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги-да Ўзбекистон хавфсизлик соҳаси-да чуқур ислохотлар йўлини танла-ди, давлат раҳбари ташаббуслари билан қатор тизимли ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, ички ишлар тизими қайта ташкил қили-ниб, жиноятларнинг олдини олиш, тезкор таъсир ва шаффофлик принциплари жорий этилди. Маҳал-ла институти фаолияти кучайтири-либ, жамоатчилик назорати орқали хавфсизлик таъминланмоқда. Рақам-лаштириш асосида “ақли кузатув” ва таҳлил технологиялари кенг жо-рий этилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси мустаҳкамланиб, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ушбу комплекс ёндашув нафақат ички барқарорликни таъминлади, балки Ўзбекистонни халқроқлик микёс-да ҳам инвесторлар ва сайёҳлар учун ишончли мамлакат сифатида намоён қилди.

Мазкур юқори рейтинг фақат таҳ-

лил натижасигина бўлиб қолмай Ўзбекистон учун халқроқ майдонда янги имкониятлар эшигининг очи-лишидир, десак, асло янглишмай-миз. Зеро, бу орқали, энг аввало, инвесторлар учун мустаҳкам ва ка-фолатли бизнес муҳити яратилади. Туризм соҳасига ишонч ортиб, сай-ёҳлар оқими ва туристик даромад-лар кўпаяди. Халқроқ форумлар ва анжуманлар учун ишончли платфор-ма шаклланади. Фуқаролар учун осойишта ҳаёт ва шахсий хавфсиз-лик таъминланади.

Албатта, Ўзбекистоннинг жаҳон бўйича энг хавфсиз давлатлар қаторига кириши улкан меҳнат, халқ билан мулоқот, очиқлик ва оқилона сиёсат самарасидир. Мамлакатимиз энди нафақат минтақавий етакчи, балки барқарор хавфсизлик сиёса-тида халқроқ ўрناق сифатида қўри-ла бошланмоқда.

Эндиги мақсад — ушбу натижани сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва кел-гусида янада юқори марраларни забт этиш. Барқарор хавфсизлик ва очиқ жамият сари йўналтирилган сиёсат — бу келажак тараққиётининг асоси.

Сайдулло АЗИМОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасининг Халқроқ ишлар,  
мудофаа ва хавфсизлик  
масалалари кўмитаси раиси  
ўринбосари.



Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# ЭЪТИРОЗЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ХУЖЖАТ МАРОМИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилиб, ундаги айрим нормалар депутатларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлган эди. Хусусан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур лойиҳа долзарб масалаларни қонун даражасида мустаҳкамлашни кўзда тутганини таъкидлаган ҳолда, унинг айрим жиҳатлари бўйича аниқлик киритиш зарурати мавжудлигини илгари сурган бўлса, парламентдаги муҳолифат — Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси қонун лойиҳасидаги айрим жиҳатлар, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолаб, фракциянинг қатъий позициясини билдирганди.

Айни вақтда ушбу қонун лойиҳаси соҳа мутахассислари, олимлар, экспертлар иштирокида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Қонун лойиҳасига масъулларнинг мазкур хужжат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Моҳира ХЎЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги тезкор давр аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда хизматлар ва ёрдамларни кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш, махсус қонунлар ва соҳавий хужжатларни қабул қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, ижтимоий ишни мустақил ва касбий фаолият сифатида тан олиш, унинг ҳуқуқий, ташкилий ва ахлоқий асосларини белгилаш орқали ислохотларни амалда жорий этиш долзарб аҳамиятга эга.

Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ижтимоий соҳадаги муносабатларни янги даражага олиб чиқадиган, тизимли ва комплекс ёндашувни таъминлайдиган муҳим ҳуқуқий хужжат бўлиши назарда тутилган.

Мазкур қонун лойиҳаси давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, уни иккинчи ўқишда такомиллаштиришда ҳар бир моддасида халқ манфаати ифода этилганга эътибор қаратилаяпти.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга бошқа шахслар билан тенг бўлган имконият ва шароитлар ҳозирлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва жамият ҳаётида тенг ҳуқуқли иштирок этиши учун замин тайёрлашдир. Шу жиҳатдан, мазкур қонун лойиҳаси

Фарид НАЗАРОВ,  
Инсон ресурсларини ривожлантириш ва ижтимоий иш методологияси бошқармаси бошлиғи:

— Қонун лойиҳасининг муҳим жиҳати — бу идоралараро ҳамкорлик масаласи. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари, ижро ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Бу ижтимоий шерикликни қучайтиради, ижтимоий ишнинг тизимли ташкил этилиши, кўрсатилаётган хизматлар ва ёрдам адолатли ҳамда шаффоф бўлишини таъминлайди.

Лойиҳа билан янги — ижтимоий хизматлар ва ёрдам ихтисослашуви институти жорий қилинмоқда. Ижтимоий хизматларнинг уч даражага — бирламчи, ихтисослаштирилган ва юқори ихтисослаштирилган хизмат турларига ажратилиши ижтимоий вазиятни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишни, оғир ижтимоий вазиятни енгиб ўтишни, жумладан, юқори даражадаги парвариш хизматларини кўрсатишни, қисқача айтганда, аҳоли эҳтиёжларига мос равишда индивидуал ёндашувни таъминлайди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда ушбу тоифадаги шахсларнинг, ҳақиқатан ҳам, ижтимоий хизмат ва ёрдамга муҳтожлигини аниқлаш муҳим саналади.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ва

халққа хизмат қиладиган, инсонпарварлик руҳи сингдрилган миллий ислохотлар пойдевори ҳисобланади, десак, муболаға бўлмайди.

Қонун лойиҳаси 8 боб ва 52 моддадан иборат бўлиб, у ижтимоий ишнинг мақсади, асосий тушунчалар, соҳавий принциплар, ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг турлари ва шакллари, ижтимоий ходимнинг роли ва масъулияти, бу борадаги хизматлар стандартлари ҳамда давлат назоратининг шакллари каби муҳим масалаларни қамраб олган.

Лойиҳада ижтимоий ишга оид асосий тушунчаларга аниқ таъриф берилган. Масалан, “ижтимоий иш”, “ижтимоий хизмат”, “оғир ижтимоий вазият”, “ижтимоий ёрдам”, “ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс” каби атамалар илк бор қонунчиликда аниқ ва кенг қамровли ифодаланмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ишнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонунийлик, ижтимоий адолат, профессионаллик ва тизимлилик каби принциплари белгилаб берилмоқда. Бу эса келгусида соҳадаги фаолиятнинг ягона қондалар асосида амалга оширилишига хизмат қилади.

Айни пайтда қонун лойиҳасида ишчи гуруҳ йиғилишларида ташаббускорлар, соҳа фаоллари, экспертлар, олимлар иштирокида маромига етказилмоқда.

оилани аниқлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топиш асослари мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий хизматлар ва ёрдамдан фойдаланувчининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатиш шартномаси асосида фойдаланиш ҳамда уларни кўрсатишни тугатиш асослари ҳам лойиҳада белгилаб берилмоқда.

Ижтимоий иш — бу профессионал касб ҳисобланиб, мамлакатимизнинг 17 та нуфузли олийгоҳида профессионал ижтимоий ходимлар тайёрланмоқда. Бу бежиз эмас. Ҳар қандай ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатилишида энг асосий вазифани ижтимоий ходим бажаради. Демак, давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллиги, сифати ва натижадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий ходимларнинг ўз вазифасини профессионал даражада олиб боришига боғлиқ.

Шу мақсадда ижтимоий ходимнинг касбий ўсишини қўллаб-қувватлаш, назарий ва амалий қўникмаларини мустаҳкамлаб бериш муҳим ҳисобланади.

“Ижтимоий иш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига инсонпарвар ва профессионал ёрдам кўрсатишининг янги ҳуқуқий асосларини яратди ҳамда ижтимоий адолатни таъминлайди.

«Халқ сўзи».

# ЁШЛАР БАНДЛИГИ – ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



## Меҳнат бозорининг янги қиёфаси

Айни пайтда меҳнат бозоридаги ўзгаришлар фақатгина иш ўринлари яратиш билан чекланиб қолмай, балки мутахассисликларнинг бозор эҳтиёжларига мослиги, меҳнат унвдорлигини ошириш, рақамли саводхонлиқни ривожлантириш ва инновацион фикрлаш каби мезонларни ҳам талаб этмоқда.

Шу жиҳатдан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, ёшларнинг иқтисодий фаоллигини қучайтириш, уларга касб-хунар ўргатиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Зотан, ёш авлоднинг истеъдодини қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатга лаёқатини тўлиқ намоён этишга шароит яратиш орқали юртимиз келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилади.

Бугунги меҳнат бозори нафақат янги иш ўринларини яратиш, балки мавжуд кадрларни рақобатбардош, малакали ва инновацион фикрлайдиган мутахассис сифатида тайёрлашни талаб этаётир. Бу борада муҳим вазифалардан бири — ёшларни таълим жараёниданок амалий фаолиятга жалб қилиш, уларни ишлаб чиқариш муҳитига мослаштиришдан иборат.

Юртимиздаги олий таълим муассасалари орасида Бухоро давлат техника университети мазкур йўналишда илгор тажрибага эга. Университетда талабаларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш сектори билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, 200 дан зиёд корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, уларнинг базасида кафедра филиаллари фаолият юритмоқда. Айниқса, 28 та ишлаб чиқариш корхонасида ташкил этилган кафедра филиалларида 540 нафар талаба ҳақ тўланадиган дуал таълим асосида таҳсил олмоқда. Бу тизим талабаларга назарий билимларни амалий тажриба билан уйғунлаштириш имконини беради, шу тариқа улар меҳнат бозори талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолда етишиб чиқади.

Шунингдек, 183 та корхонада 291 нафар магистр учун стажировкалар таш-

кил этилган. Улар ўз йўналишлари бўйича бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, мутахассислик қўникмаларини амалиётда мустаҳкамламоқда. Бундай ёндашув талабаларнинг иш жойига мослашувчанлигини ошириб, битирувдан сўнг доимий иш билан таъминланишига замин яратмоқда.

## «Келажакка қадам» — тадбиркорликка йўл

Талабаларни иш билан таъминлашда “Карьера — 2025” лойиҳаси пешқадам. Лойиҳа доирасида ёш мутахассислар ва иш берувчилар ўртасида очик мулоқотлар, касбий йўналтириш семинарлари ва тажриба алмашув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Бугунга қадар уюштирилган



тадбирларда 500 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этди, 3 мингга яқин бўш иш ўринлари талабаларга тақдиф қилинди. Бу жараён ёшларнинг меҳнат бозорига мослашувини таъминлаб, амалий иш тажрибасини орттириш имконини яратмоқда.

Шу билан бирга, “Келажакка қадам” лойиҳаси доирасида университет талабаларига ўз бизнес гоёларини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратилиб, улар тадбиркор сифатида фаолият бошлаш имкониятига эга бўлмоқда. Мазкур ташаббус қўллаб ёшларни стартаплар асосида мустақил иш юритишга ундайди.

Университет қошидаги “Карьера маркази” эса талабаларни мақбул иш ўринлари билан таъминлаш, маслаҳат улашиш ва иш берувчилар билан боғла-

нишда самарали механизм сифатида хизмат қилмоқда.

Мана шундай тизимли ёндашувлар, албатта, ёшларнинг касбий ўсишига, уларнинг мустақил ҳаётга тайёргарлиги ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига кучли туртки бўлади, десак, муболаға эмас.

## Таълимда ҳам халқаро стандартларга бўйлашиб

Ёшларнинг бандлигини таъминлашда уларнинг билим даражаси, касбий малакаси ва рақобатбардошлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис Бухоро давлат техника университетига таълим сифатини яхшилаш ва ўқув дастурларини халқаро

стандартларга мослаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Сўнгги йилларда университет халқаро нуфузга эга бир қанча рейтингларда муносиб ўринларни эгаллади. Масалан, “Times Higher Education World University Rankings — 2024” рўйхатида “Reporter” макомини олди, “GreenMetric” барқарор тараққиёт халқаро рейтингиди 858-ўрини ва “Осиёнинг энг яхши университетлари — 2025” рўйхатида 905-ўринни кайд этди. Бу натижалар таълим муассасасининг глобал академик майдонда ўз ўрнини мустаҳкамлаётганини ва таълим сифатини оширишда қатъий билан ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

Меҳнат бозорида муваффақият қозониш учун замонавий ва инновацион касбларга эга бўлиш, хорижий тилларни би-

лиш ҳамда халқаро мезонлар асосида билим олиш талаб этилмоқда. Ана шу эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда университетда биотехнология, реставрация, робототехника, меҳатроника каби 17 та янги ва истиқболли таълим йўналиши очилди.

Ҳозирда олийгоҳдаги 33 та бакалаврият йўналиши ва 26 та магистратура мутахассисликлари учун ўқув дастурлари жаҳоннинг энг нуфузли “ТОП — 300”-таллиқа кирувчи университетлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Италия, АҚШ, Германия, Индонезия, Австралия, Буюк Британия, Россия ва яна ўнга яқин мамлакатларнинг 17 та университети билан академик алоқалар йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорлик орқали талабаларни халқаро таълим муҳитига жалб этиш қўлами кенгайди.

Замонавий талабаларга жавоб берувчи яна бир муҳим қадам — масофавий таълим шаклининг жорий этилиши. Бу тизим орқали талабаларнинг таълим олиш ва мустақил ўқиш имкониятлари ортди. Шу билан бирга, университет қошида очилган немис, корейс ва япон тиллари марказлари ёшларга халқаро меҳнат бозорига тайёргарлик кўриш, хорижий компаниялар ва таълим муассасалари мутахассислари билан мулоқотга киришиш имконини бераётир.

Умуман, ёшларни фақатгина иш билан таъминлаш эмас, уларни жамиятнинг фаол ва салоҳиятли аъзоларига айлантириш — устувор мақсадимиз. Зеро, меҳнат бозори рақобат майдони бўлиб, навқирон авлод унга пухта тайёргарлик билан кириши лозим. Бухоро давлат техника университетининг бу борадаги тажрибаси эса ўзига хос, самарадор, ишончли ва истиқболли экани билан соҳа мутахассисларининг, кенг жамоатчиликнинг эътибори ҳамда эътирофига сазовор бўлмоқда.

Садоқат СИДДИҚОВА,  
Бухоро давлат техника университети ректори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

# ХИТОЙ ТЕПЛОВОЗЛАРИ — НАВОИЙДА



## Хушхабар

Навоий темир йўл вокзалида Хитойнинг “CRRC Zhuzhou Locomotive Co., Ltd” компаниясида ишлаб чиқарилган “O’Z12T” икки секцияли юк поездларини тортишга мўлжалланган замонавий тепловознинг юртимизга олиб келиниши муносабати билан тақдимоёт ўтказилди.

Ушбу тепловознинг қуввати 10 минг от кучига тенг бўлиб (7200 кВт), юқори тезлиги соатиға 120 километрни ташкил этади ва 7 минг тонналик юк вагонларини торта олади. Тепловозга жуда мустаҳкам автоматик, пневматик ва электрли тўхташ тизими ўрнатилган.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “CRRC Zhuzhou Locomotive Co., Ltd” компанияси ўртасидаги келишувга кўра Хитой компанияси 2033 йилга қадар юртимизга жами 38 та янги локомотив етказиб бериши ҳамда 12 электровозни модернизация қилиши кўзда тутилган. Шунга кўра яқин кунларда яна 3 та тепловоз юртимизга етказилади. Йил якунига қадар эса қўшимча 4 та тепловоз ва 2 та электровоз, шунингдек, 2 та модернизация қилинган

“O’zbekiston” русумли электровоз келтирилади.

Ушбу лойиҳа 2003 йилда 12 та “O’zbekiston” русумли электровоз харид қилиш билан бошланган эди. Компания 2015 йилда яна 15 та “O’Z-Y” русумли йўловчи электровозларни юртимизга етказиб берди. Айни чоғда мазкур электровозлар Ўзбекистон темир йўлларида самарали хизмат кўрсатиб, юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ф. ДЎСТОВ  
(«Халқ сўзи»).



Юнус БУРИЕВ олган сурат.

# ЧЕГИРМАДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚЛИМИ?

Ҳар йили ёзда минглаб одамлар яроқсиз озиқ-овқатлар истеъмолдиган заҳарланиш бор гап. Чунки бозорларда сотувчиларнинг ўзи қўлчанча савдонинг асосий қондаларини бузади: озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг ҳарорат режимига амал қилмайди. Ёки маҳсулотларнинг сифати ва келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатга эга эмас. Ақсарияти санитария қийимлари ва тиббий маълумотномаларсиз ишлайди.

## Аччиқ, аммо очик гаплар

Айниқса, савдо-сотик ҳудудларни боғлаб турган автомобиль йўллари яқинида бўлса, озиқ-овқатларга чанг ва чиқинди гаплар ўрнашиб қолиши турган гап. Бу ерда целлофан қопларда сақланувчи сабзавотлар, мuddати ўтган меваларнинг сифати учун гўё ҳеч қандай жавобгар эмас. Ачинарлики, овқатдан заҳарланган одам шифохонага ётқизилса, у йўл қиянида унга овқат ёки ичимлик сотган сотувчининг айбини исботлай олмайдди. Чунки сотиб олаётганда яроқлилик мuddатига эътибор бермаган, кўп ҳолларда сотувчилар ҳам савдо чеки бермайди.

— Мuddати ўтган озиқ-овқатлар ўзидан токсин ва заҳар чиқаради, уларда бактериялар кўпаяди, — дейди Фаргона вилояти санитария-эпидемиологик оқоимшталлик ва жамоат саломатлиги бошқармаси овқатланиш гигиенаси бўлими мутахассиси Комилов Тешабоев. — Жорий йилда мутахассисларимиз томонидан деҳқон бозорларида 130 кг. озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз-

лиги аниқланиб, ўрнатилган тартибда савдодан олиб ташланди.

Тўғри, юртимизда яроқсиз маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Бунинг учун қонунда жавобгарлик ҳам белгиланган. Лекин инсофсиз сотувчилар юзлаб килограмм бузилган озиқ-овқатларни дўконлар, омборларда сақлаб ўтираверадди. Дармадани йўқотмаслик учун ёрқиларини янги сана билан белгилайди ёки шунчаки қадоқдаги ишлаб чиқарилган санани ўчириб ташлайди. Истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг 90 фоизи шундай сотилади. Баъзан мутахассисларимиз мазкур ҳолатни аниқлаганда, уни олиб ташлашдан бош тортишадди.

Кейинги кунларда Олтиариқ, Ўзбекистон ва Бешарик туманлари деҳқон бозорларида назорат тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Хусусан, Бешарикдаги деҳқон бозорида олиб борилган ўрганишлар жараёнида сотувчиларга тозалик, шахсий гигиена қондаларига риоя қилиш бўйича ту-

шунчалар берилди. Олтиариқ тумани деҳқон бозорида санитария тартиблари бузилиши ҳолатига барҳам бериш мақсадида савдо расталарида тозалаш ишлари амалга оширилди. Сотувчиларга бу борадаги меъёр ва талаблар тушунтирилди.

Мuddати ўтган, иссиқ ҳавода тез бузилувчи маҳсулотлар савдосининг олдини олиш бўйича тадбиркорлик субъектларига маълум талаблар қўйилиши тушунтирилди. Гигиена қондаларига риоя қилиш, махсус қийимларда фаолият олиб бориш, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш ва хавфсиз савдо қондалари ҳақида тавсиялар берилипти. Аммо уй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлашда зарур технологик жараёнлар, санитария меъёрларига тўлиқ риоя қилинмаётир. Яқинда Фаргона шаҳар санитария-эпидемиологик оқоимшталлик ва жамоат саломатлигини асраш бўлими мутахассислари томонидан аҳоли ҳонадонларида олиб борилган назорат тадбирларида номълум шароитда тайёрланган 60 литр консерва маҳсулотлари йўқ қилинди. Марказий деҳқон бозори, савдо мажмуалари ҳамда аҳоли гавжум ҳудудларда сотувга чиқарилган қўлбола салқин ичимликлар савдосига ҳам барҳам берилди.

— Мутахассисларимиз томонидан Қўқондаги “Қўқон Роҳат” болалар соғломлаштириш ҳамда Қувасойдаги “Водий гавҳари” оромгоҳида белгиланган тартиб-

да ўрганиш ишлари олиб борилди, — дейди К. Тешабоев. — Болалар учун яратилган шароитларни ўрганиш асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, ошхона ҳамда ювиниш хоналари санитария талабларига мувофиқ тарзда фаолият юритиши юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Таътил даврида болажонларни турли касалликлардан асраш масаласи соҳа ходимларининг устувор вазифасига айланган.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган истеъмолчилар, албатта, кўчани, дўконни ёки бозорни харид қилаётган маҳсулотларининг яроқлилик мuddатига эътибор беради. Аммо кўча ёки бозорларда сотилмайдиган яроқсиз маҳсулотлар болаларга интернет орқали сотилаётган ҳўлатлар ҳам учрамоқда. Яъни бозорда сотилиши чекланган маҳсулотлар ҳуқуқбузар савдогарлар томонидан гўё чегирмали тарзда одамларга қайта сотилмоқда. Хўш, бундай маҳсулотни харид қилган истеъмолчининг заҳарланмаслигига ким қафолат беради?

Хуллас, мuddати ўтган ҳар бир маҳсулотни истеъмол қилиш катта хавф ҳисобланади. Манзилсиз савдо нуқталарининг омборхоналаридан тортиб, супермаркетларнинг юкхонасигача маҳсулотлар хавфсиз жойда сақланиши керак.

Биз мавзуга яна қайтишим.

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).



Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда кенг нишонланган Ёшлар куни байрами асосий тадбирлари доирасида юртимиз ёшлари билан учрашиб, дилдан мулоқот қилди. Унда қадриятларимиз ва маданиятимизни ўзида ифода этадиган сунъий интеллектнинг миллий моделини ишлаб чиқиш бошланганини таъкидлади.

## Кун мавзуси

Шунингдек, сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳалари устувор йўналиш сифатида белгилаб, 100 та лойиҳа амалга оширилади. Жорий йилнинг ўзида “AI study” платформаси орқали камидан 100 минг ёш сунъий интеллект технологияларини ўрганади.

Шубҳасиз, XXI асрда эришилган технологик ва илмий ютуқларнинг энг юқори нуктаси табиий интеллектимиз томонидан яратилган сунъий интеллектдир. Бугун у деярли барча соҳада — ишлаб чиқариш, тиббиёт, таълим, ҳатто кундалик ҳаётимизда ҳам аста-секин ўз ўрнини топапти. Лекин ушбу иختиро ортидан турли саволлар туғилмоқда. Хўш, сунъий интеллект бизга рақиб бўладими ёки ёрдамчи?

Бир томондан, машиналарнинг мураккаб муаммоларни ҳал этиши биз учун улкан имконият, албатта. Бироқ роботлар кўплаб соҳалар, ҳатто ижодий фаолият билан боғлиқ йўналишларда ишимизни, ақлий меҳнатдаги етакчилигимизни ҳам олиб қўйиши борасидаги таҳдидлар ҳар қандай кишини ўйга толдиради.

Сунъий интеллект (СИ) — бугунги замонавий технологиялар ичида энг тез ривожланаётган ва энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган соҳалардан бири. Унинг моҳиятини соддароқ тушунтирадиган бўлсак, у инсон ақлий фаолиятига ўхшаш вазифаларни автоматлаштирилган тарзда бажара оладиган дастурий ва техник тизимлар мажмуасидир. Яъни бу технология ёрдамида машиналар ҳам ўрганади, қисқайди, муайян хулосалар чиқаради. Илгари фақат инсон учун хос деб ҳисобланган таҳлил ва тезкор реакция каби имкониятлар эндиликда сунъий интеллект воситасида машиналарга ҳам сингдрилмоқда.

Хозирги тараққиёт босқичини кузатсак, СИ фақатгина илмий лабораторияларда ёки катта компаниялар доирасида эмас, балки инсон кундалик ҳаётига ҳам кириб келди. Энг оддий мисол, смартфонларимиздаги овозли ёрдамчилар (масалан, “Сири” ёки “Google Assistant”), турли чат-ботлар орқали онлайн хизматлар кўрсатилиши, матнларни автоматик таржима қилиш тизимлари бунга аққол дилдир. Шу билан бирга, юзини аниқлаш, бармоқ изини таниш, ҳатто видеокузатув тизимларида ҳам СИ фаол ишлатилмоқда. Ҳар

қадамда у бизни таъбиқ қилишини ҳатто сезмаймиз ҳам.

Сўнгги йилларда сунъий интеллект атрофидаги энг катта мунозаралардан бири, бу унинг инсон учун рақибга айланиш эҳтимоли билан боғлиқ. Мазкур фикр осмондан тушгани йўқ, балки кўплаб амалий мисоллар билан ўз тасдиғини топмоқда.

— Технологиялар ҳар доим иш



ўринларига таъсир қилиб келган. Сунъий интеллект ҳам бундан мустасно эмас. Лекин бу гал ақлий меҳнат соҳалари хавф остида қолмоқда. Хозирда фақат қайта такорпланадиган техник вазифалар эмас, балки таҳлил, коммуникация, ижодий фикрлаш талаб этилаётган жойларда инсон ўрнини роботлар эгаллаши эҳтимоли ортипти. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир йўқолган иш ўрнига янгиси яратилади. Мухими, жамият таълим ва қайта касбий тайёрларлик тизимини замонага мослаштириши лозим, — дейди Мас-санусетс технология институтини профессори, меҳнат бозори бўйича эксперт Даниэль Сасс-Каттлер “The New York Times”га берган интервьюсида.

Жаҳон миқёсида автоматлаштириш тобора кўпайгани кундек аён. “McKinsey Global Institute”нинг 2023 йилдаги ҳисоб-китобларига кўра, келгуси 10 — 15 йил ичида дунёдаги иш ўринларининг 30 фоизгача қисми автоматлаштирилиши мумкин. Бу дегани, айниқса, такоррланувчи ва аънавий техник вазифаларни бажарувчи миллионлаб ишчиларнинг ўрни СИ ёки роботлар билан алмаштирилади. Мисол учун, АҚШ ва Европадаги йирик логистика марказларида омондор ишлари, маҳсулот саралаш, етказиб бериш каби жараёнлар алақачон автоматлаштирилди. Иш берувчи учун ишини беҳато бажарадиган, ишга кеч қолмайдиган, эътироз билдирмайдиган ро-

ботлар инсонлардан кўра манфатлироқ эканини инкор эта олмаймиз, ахир.

Яна бир хавотирли жиҳати, СИ орқали сохта хабарлар ва дипфейк технологияларининг кенг тарқалишидир. Дипфейк (чүкур ёлгон) — бу сунъий интеллект ёрдамида яратиладиган, ҳақиқийсига жуда ўхшаш, бироқ ёлгон видео ва аудио материаллардир. Масалан, 2023 йилда Ўзбекистонда интернет тармоқларида 1129 та, 2024 йилда эса 3553 та СИ ёрдамида яратилган ноқонуний материаллар тарқатилгани аниқланган. Бундай ҳолатлар аҳолининг ишончига кириш мақсадида таниқли шахсларнинг қиёфаси ва овозидан ноқонуний фойдаланишини ўз ичига олади. Айнан шундай технологиялар ёрдамида нафақат сиёсий

манипуляция, балки шахсий обрўга путур етказиш, молиявий фирибгарлик, киберхиноятлар амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин.

— Сунъий интеллект ёрдамида яратилган сохта контентлар жамиятдаги ишонч муҳитини емириши мумкин. Айниқса, дипфейк технологияси орқали таниқли шахсларнинг сохта видеоларини тарқатиш жиддий оқибатларга олиб келади. Биз аллақачон сиёсий жараёнлар, сайловлар давомида бундай усуллардан фойдаланилганига гувоҳ бўлдик. Масалан, 2024 йилда Бразилияда сайловлар олдидан сохта видеолар орқали рақиблар обрўсига путур етказиш ҳолатлари кузатилди. Шу боис дунё мамлакатлари тевкор ҳуқуқий ва техник чоралар кўриши зарур, — дея таъкидлайди киберхавфсизлик бўйича мутахассис, “Norton” компанияси вакили Лиза Монро.

Айтиш жоизки, СИ билан бирга, ахлоқий ва фалсафий хавф пайдо бўляпти. Бу ерда гап инсон тафаккури ва иқодий маҳоратини СИ ортда қолдириши эҳтимолини ортгани ҳақида кетмоқда. Бугун “ChatGPT” каби матн яратиш тизимлари, “MidJourney” сингари тасвир ишлаб чиқарувчи дастурлар ва мусиқа ёзувчи алгоритмлар ижодкорлар билан рақобат қилмоқда. Масалан, Японияда СИ томонидан ёзилган ҳикоялар адабий танловларда иштирок этди. Табиий савол туғилади: агар машина шеър ёзса, расм чизса, ма-

қола тайёрласа, ундан инсон ижод маҳсули қандай ажралиб туради?

— Машиналар ижод қилишни ўрганаётгани ҳақиқат. Бироқ уларнинг “ижоди” инсон руҳияти, ҳис-туйғуси, ҳаёт тажрибаси билан бойитилмаган. Ижод — бу фақат маълумотларни қайта ишлаш эмас, балки қалб оғриғи, орзу, изтироб, дард маҳсулидир. Машина шеър ёза олади, лекин у оламни инсон кўзи, қалби билан ҳис эта олмайди. Шу боис инсон ижоди ва СИ материали ўртасида катта фарқ бор. Аммо буни англаш ва чегарани белгилаб қўйиш инсоният зиммасидаги масъулиятдир, — дейди Буюк Британиядаги Кембриж университети профессори, когнитив фанлар бўйича мутахассис, профессор Сьюзан Блэкмор.

Кўплаб таниқли шахслар СИнинг

хавфи борасида жамоатчиликни огоҳлантириб келмоқда. Машҳур тадбиркор Илон Маск 2023 йилда “Агар СИ устидан назорат бўлмаса, у инсониятни ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин”, деган эди. Марҳум физик олим Стивен Хокинг эса ўз ҳаётининг сўнгги йилларида “Сунъий интеллект инсониятнинг энг буюк кашфиёти бўлиши мумкин, лекин назорат қилинмаса, унинг энг ёмон офати ҳам бўлади”, дея таъкидлаганди.

Демак, сунъий интеллектнинг инсон учун рақиб бўлиш эҳтимоли мавҳум назария эмас, балки реал ҳаётдаги воқеалар ва илмий таҳлиллар билан тасдиқланмоқда. Шу сабабли мазкур технологиянинг

Сунъий интеллект инсон саломатлигини асраш, билим олиш миқёсларини кенгайтириш, имконияти чекланган инсонларга кўмак бериш ва хавфли ҳудудларда инсон ҳаётини ҳимоя этишда яқин ёрдамчи, ҳақиқий кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, технологиянинг бу йўналиши тўғри бошқарилса, у инсоният тараққиётининг ажралмас йўлдошига айланиши мумкин. Тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир йирик технологик тараққиёт инсоният учун нафақат қулайлик ва ривожланиш, балки қутулмаган оқибатлар, мураккаб саволлар ҳамда баъзан аччиқ тажрибаларни ҳам олиб келади. Бугунги сунъий интеллект технологиясининг юксалиши бундан мустасно эмас, албатта.

кучи ва хавфини бирдек эътироф қилган ҳолда, унинг устидан қатъий назорат ҳамда ахлоқий ёндашув талаб этилади. Акс ҳолда, инсоният ўзи яратган ақл орқали ўзини ортда қолдириши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сунъий интеллект ҳақида фақат таҳдид ва хавф нуктаи назаридан фикр юритиш “танганинг бир томони”ни кўришдек гап. Чунки СИ инсон учун нафақат рақиб, балки муҳим ёрдамчи, яъни ҳамроҳга айланишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Биргина тиббиёт соҳасини оладиغان бўлсак, айнан сунъий интеллект ёрдамида саратон касаллигини дастлабки босқичдаёқ аниқлаш имконияти пайдо бўлди.

АҚШнинг Стэнфорд университети шифокори ва биотиббиёт тадқиқотчиси доктор Кларк Хеммингснинг эътироф этишича, сунъий интеллект тиббиётни янги босқичга олиб чиқди. Саратон, юрак-қон томир ёки генетик касалликларни аввалдан аниқлашда СИ самараси исботланган. “Аммо биз СИни тўлиқ назорат остида ушлашимиз керак. Чунки инсон ҳаётидаги қарорларни фақат алгоритмларга ишониб топшириб бўлмайди”, дейди у.

Ногиронлиги бор инсонларга ёрдам масаласида эса СИ беминнат кўмакчига айланган. АҚШ ва Европа мамлакатларида сунъий интеллект асосида ишлайдиган эшитиш аппаратлари, овозни матнга айлантирувчи қурилмалар ва робот ёрдамчилар орқали ногиронлиги бўлган инсонларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ошмоқда. Ҳатто кўзи ожиз инсонлар учун махсус СИ тизимлари ёрдамида атрофдаги объектларни овоз орқали тасвирлаб берувчи технологиялар ҳам яратилмоқда.

Оғир ва хавфли ишларда ҳам сунъий интеллект инсоннинг жони-га оро қиряпти. Нефть қонларида, чучур шахталарда, портлаш хавфи юқори бўлган саноат тармоқларида роботлар ва СИ тизимлари инсонлар ўрнига ишлаяпти. Масалан, яқинда Японияда кучли zilзиладан сўнг СИ бошқарувдаги роботлар вайрон бўлган биноларни текшириб, инсон хавфсизлиги учун зарур маълумотларни тўплади.

Санжир ШОМУРДОВ  
(«Халқ сўзи»).

## Ҳамма хизматлар бир жойда

Гулистон шаҳар адлия бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу муқташам иморат фуқаролар, тадбиркорлар ҳамда ижтимоий соҳа вакилларига бир жойда ва бир вақтда кенг қўламадаги ҳуқуқий ва давлат хизматларини тақдим этиш имконини беради. Унда адлия бўлими, юридик хизмат кўрсатиш маркази, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, Давлат хизматлари маркази, шунингдек, нотариал ва ФХДё архивлари фаолият қилмоқда.

## Қулайлик



— Янги бинода фуқаролар ва тадбиркорлар учун барча шaroит яратилган, — дейди Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи Сафарбой Тоғаев. — Хизмат кўрсатиш залида бир вақтнинг ўзида 17 та қабул ойнаси орқали 400 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилади. Шунингдек, электрон навбат тизими, ахборот киоскиси, миникутубхона ва “Wi-Fi” ҳудуди, маслаҳат хизматлари ҳамда ҳуқуқий ахборот стендлари, ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилган йўлақлар, қуттиш заллари ва мобиль

қурилмалар учун қувватлагич жойлари, болалар майдончаси ҳам мавжуд. Бинода келин-кўёвлар учун махсус фотосуратга тушиш майдони — фотоҳудуд ташкил қилинганини янгича ёндашув сифатида эътироф этиш мумкин. Миллий аънаналар ва замонавий дизайн уйғунлашган фотоҳудудда халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, бой тарихимиз, шонли ўтмишимизни ифода этган яхлит композиция ҳосил қилинган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ  
(«Халқ сўзи»).

## Интилиш

## УРГАНЧДА ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Бугунги кунда шаҳарларда ҳар қадамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дам олиш масканлари, кафе-ресторанларни учратасиз. Китоб дўконлари, вақтли матбуот нашрлари сотиладиган киоскларнинг кўпчилиги аллақачон ўз ўрнини ана шундай сердаромад бизнес турларига бўшапти берди.

Шукурки, миллатнинг маънавияти, китобхонлик маданияти ҳақида қўйғурадиган, маблағини мўмай даромад келтирмаса-да халқимиз тафаккурини юксалтирадиган, дунёқарашини бойитадиган хайрли ишларга сарфлайдиган тадбиркорларимиз анчагина. Хоразмдаги “Билим ҳазинаси” оилавий қорхонаси раҳбари Қувондик Абдуллаев ана шундай ёш тадбиркорлардан бири.

У Шовот туманида 2 та, Урганч шаҳрида 2 та замонавий китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйди. Республиканинг энг нуфузли нашриёт-матбаа уйларидадан тўғридан-тўғри шартномалар асосида китоблар сотиб олиб, китобхоналарга тақдим этмоқда.

Эътиборлиси, истиқлолнинг 34 йиллиги арафасида тадбиркор Урганч шаҳрида навбатдаги китоб дўқони ва кутубхонани ишга туширди.



— Кутубхонамиз Wi-Fi тармоғига уланган, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, — дейди Қ. Абдуллаев. — Асосийси, ўқувчи китобни уйига олиб кетиб ўқиш имкониятига ҳам эга. “Устоз” деб номланган ушбу зиё масканида 50 мингдан зиёд бадиий, илмий, диний, мутахассисликка доир, болаларга мўлжалланган ва бошқа йўналишлардаги китоблар жамланган. Яна бир муҳим жиҳати, кутубхона-дўқонимиз Урганч давлат университети ёнида жойлашгани талабалар учун ҳам қулайлик туғдиради.

Янги китоб дўқони ва кутубхонанинг очилиш маросимида нурунийлар, ёзувчи ҳамда шоирлар, талаба-ёшлар иштирок этди. Зиё маскани иш бошлаган илк кундаёқ сотувчиларнинг қўли қўлига теғмади, китобхонадан кўплаб буюртмалар ҳам олинди.

Одилбек ОДАМБОВ  
(«Халқ сўзи»).

## Япониянинг Токио ва Осака шаҳарларида ўтказилаётган «Экспо — 2025» халқаро кўргазмада юртимиз ҳунармандлари ҳам иштирок этмоқда.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқат маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



|                                                                                                                                             |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Таҳририятга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.                                                                 |
| Газетанинг сўлазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.                                                                 |
| Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.                                                 |
| Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07. |

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Қаримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.15 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6